

Islom.uz мобил иловалари тақдимоти ОАВ нигоҳида




09:00 / 30.03.2021 2758

Маълумки, 2021 йил 27 март куни «Hilol nashr» нашриёт матбаасининг мажлислар залида фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари асос солган, соф Ислom таълимотларини замонавий ахборот технологиялар орқали халқимизга тақдим этиб келаётган islom.uz порталининг мобил иловалари тақдимоти ўтказилди.

Шу куни мўмин-мусулмонлар учун кундалик ҳаётида муҳим хизматларни ўз ичига олган мобил иловалар тақдимотида шайх раҳимахуллоҳнинг шогирдлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, мустақил блогерлар ва ахборот технологиялари мутахассислари, дастурчилар иштирок этишди.

Ушбу мазмунли ва қизиқарли ўтган тақдимот тафсилотлари республикамиздаги қатор телеканаллар, интернет сайтлари томонидан ёритилди. Жумладан, [«Zo'r TV»](#), [«Azon TV»](#) ва [«azon.uz»](#) сайти, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг [«muslim.uz»](#) расмий веб сайти, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги [«uza.uz»](#), [«kun.uz»](#) каби кенг аудиторияга эга манбаларни айтиб ўтиш мумкин.

Image not found or type unknown



«Azon tv»га берган интервьюсида тақдимот меҳмони, islom.uz портали кенгаши аъзоси, Ислом цивилизацияси маркази мутахассиси Абдор Мухтор Алий шундай деди: «Бугунги islom.uz порталининг иловалар тақдими тартибли ва сермазмун ҳолатда ўтказилди. Муаммоларга тўғри ечим, таклиф бериш ва уни жамоатчиликка тақдим этиш журналистиканинг энг яхши услубларидан ҳисобланади. Журналистика ёпиқ бўлмаслиги керак,

аксинча очик бўлиши ҳар бир соҳада, шунингдек, бугун миллий дастурчиларимиз томонидан тайёрланган islom.uz портали иловаларининг ютуқлари, муаммолари ва ечимлари ижобий ҳал этилаётганини кўпчилигимиз гувоҳи бўлдик. Айниқса, Ҳасанхон Яҳё Абдулмажиднинг нутқи анжуманнинг якуний хулосаси бўлди. Биз нима қилишимиз керак? Илм доирасида, уламолар атрофида бирлашишимиз лозимлиги таъкидланди. Бу ўринда порталда маърифий-маънавий мавзуларда сўз юритиш, турли ахлоқсизлик хуружларга қарши кучга эга бўлишимиз учун алоҳида «minbar.islom.uz» бўлимининг очилиши ҳам айтилди».

Шунингдек, «uza.uz» манбасида мўмин-мусулмонлар учун кундалик ҳаётида энг муҳим бўлган намоз ва рўза тақвими, қибла йўналиши, «Ўзбекистон масжидлари» дастури, islom.uz онлайн радиоси хизматлари шунингдек, дастур ёрдамида islom.uz порталидаги quran.uz, hadis.islom.uz, fiqh.uz, arabic.uz, madrasa.uz, masjid.uz, siyrat.uz, e-tarix.uz, muslimaat.uz, e-adabiyot.uz, tazkiya.uz, islom.uz, savollar.islom.uz каби сайтлардан олинган энг сўнгги маълумот ва янгиликлардан ҳам хабардор бўлиш мумкинлиги ҳақида маълумот берилган.